




## Кун нафаси

Президент Шавкат Мирзиёев Эрон Ислом Республикаси Миллый хавфсизлик олий кенгашини котиби Али Шамхоний бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



«Тараққиёт стратегияси» маркази раҳбари Э.Туляков бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси аъзолари Брюсселда (Бельгия) Қироллик ҳалқаро муносабатлар институти (EGMONT) вакили билан учрашид.



Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги Фарғона вилояти делегацияси амалий ташриф билан Жанубий Кореядга бўлиб туриди.



«Тошкент» аэропортининг маҳаллий авиаийналишлар терминалда иккичи A321neo НХ ҳаво кемасини тантанали кутуб олиш маросими бўлиб ўтди. Бу самолёт Евросиё қитъаси бўйлаб деярли тўла юн билан парвозларни амалга ошириш имконигита эга.




Президент таълим муассасалари агентлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги томонидан машур таълим тадқиқотчиси Андреас Шляйхернинг «Ҳарон миқёсидаги таълим. XXI аср мактаб тизимини қандай барпо этмоқ керак?» номли китоби 5000 нусхада чоп этиди.



Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг маълум қилишича, ўқитувчиларга малака тоғаси сертификатларини электрон шаклда бериш йўлга кўйилди.


Давлат тест маркази ва Қозон федерал университети ўтасидаги навбатдаги онлайн учрашув бўлиб ўтди.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ...



ҚАРОВСИЗ БОҒЛАР  
ҚАРШИСИДА

САЛОМЛАШИШ  
ЎЙИН ЭМАС



ШУКУХ

Назокат НУРМАТОВА

2022 йил  
10 марта  
ПАЙШАНБА  
№ 31  
(4627)

Кун ҳикмати

Сұхбат борки, кескир қиличга ўхшар, бўстонни, әкинни кесиб бичар. Сұхбат борки, баҳорга ўхшар, ҳар томонни яшнатиб, сонсаноқсиз мевалар тугар.

Жалолиддин Румий

## ЯНГИ МАРРАЛАРГА РУҲЛАНТИРАДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгашида «Аёлни эъзозлаш – эзгулик ва адолат мезони» шиори остида маданий тадбирлар бўлиб ўтди.

Унда вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган фаол хотин-қизлар иштирок этди.

Тадбир давомида узок йиллардан бери касбий маҳорати билан барчага ўнрак кўрсатиб келаётган меҳнат фахрийларига эъзоз ва этиром кўрсатилди. Шунингдек, самарали меҳнатлари билан мамлакатимиз ривожига ўзларининг муносаби ҳиссаларини кўшиб келаётган 100 нафар бошлангич касаба уюшма ташкилотлари фаоллари кенгашнинг эсадлик совғалари билан тақдирланди.

Меҳнат жамоаларида бўлиб ўтётган шу каби байрам тадбирлари азиз аёлларимизга кўтаринки кайфият бахш этиб, келгусида уларни янги марралар сари руҳлантириши аниқ.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати



## Ташаккуримиз СИЗГА!

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар кенгashi 8 марта – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган тармоқ корхона ва ташкилотларида фаолият юритувчи хотин-қизлар учун «Сен азизсан, муҳтарам аёл» деб номланган маданий тадбир ўтказди.

Тадбирда тармоқдаги «Ўзметкомбинат» АЖ, «Чирчик трансформатор заводи», «Ўзэлектроаппарат» АЖ, «Ўзкабель» кўшма корхонаси, Чирчик ва Тошкент «Қишлоқ хўжалик техникии заводи» АЖ, «Тошкент металлургия заводи» кўшма корхонаси ва бошقا корхоналарда меҳнат қилаётган 100 нафардан ортиқ фаол хотин-қиз қатнашиди.

Бир пиёла чой устида ташкил этилган илиқ сухбатлар давомида соҳада эришилаётган ютук ва муваффакиятлар, тармоқ корхона-

ларининг республикамиз иктиодиётини ривожлантиришга кўшаётган ҳиссаси, ходимларга яратилаётган муносаби меҳнат шаҳроитлари хусусида сўз борди.

Тармоқ тизимида кўп йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келаётган хотин-қизлар, касаба уюшма фаолларининг меҳнатлари этироғ этилиб, касаба уюшмаларининг ташаккурномалари топширилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати

## Темирйўлчи аёллар тақдирланди



Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилиари касаба уюшмаси Республика кенгashi Хотин-қизлар куни муносабати билан байрам тадбирни ташкил этиди.

Маросимда ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилиари касаба уюшмаси Республика кенгashi раиси Кутлумурод Сабиров темирйўлчи опа-сингилларимизни самимий табриклаб, мамлакатимиз темир йўл транспортининг тараққий этишида уларнинг ўрни бекёслигини этироғ этиди.

Тадбирда кенгаш томонидан тармоқ корхоналарida фаолият юритаётган энг фаол 135 нафар хотин-қизга 1 миллион сўмдан пул мукофоти топширилди.

Шунингдек, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти Хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳат кенгашининг «Ийл аёли» милли танловининг 6 нафар республика босқичи голиблири фаҳрий ёрликлар билан тақдирланди.

Байрам муносабати билан барча минтақавий темир йўл узели корхоналарida меҳнат қилаётган фаол аёллар рағбатлантирилди, фаҳрий темирйўлчilar холидан хабар олинди.

Назокат НУРМАТОВА

Ўрганиш

Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгashi соҳа корхоналарида ходимлар ижтимоий ҳимоясини ҳамда иш жойларида хавфсиз меҳнат шаҳроитларини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

## АЛОҚАЧИЛАР ҚАНДАЙ ШАРОИТЛАРДА ИШЛАЯПТИ?

Айни вақтда кенгаш Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда тармоқ келишиши ва жамоа шартномалари бандлари ижроси хойларда қандай таъминланётганини ўрганмоқда.

Хоразм вилоятида тармоқ тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда ўтказилган ўрганишлар натижалари мутасаддилар иштирокида уюштирилган амалий семинарда тақдидӣ таҳлил қилинди.

– Иш берувчилар ҳамда касаба уюшмаси қўмиталари ҳар бир ходим билан олиб борилаётган ишларга таҳлий-такдидӣ ёндашиши, замон билан ҳамнафас, ташаббускор бўлмоғи лозим, – дейди Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари кенгashi бош мутахассиси Юнус Ғапуров. – Ўрганиш жараёнда ижтимоий шериклик доирасида қатор ишлар қилинганига гувоҳ бўлдик. Ходимлар меҳнати муносаби рағбат топмоқда. Бироқ камчиликлар ҳам йўқ эмас. Айтийлик, жамоа шартномасида иш ҳаки ҳар ўн беш кунда тўлашини белгиланиб қўйилгани ҳолда, ҳар

оїда бир марта тўланётган ҳолатларни кўрдик. Меҳнат таътиларини расмийлаштиришда, таътил пулларини тўлашда айрим нуқсонларга йўқ кўйилган.

– Ходимларнинг меҳнати муҳофазасини қучайтириш, муносаби иш шароитлари яратиш юзасидан ҳам бир қатор тавсиялар бердик, – дейди ўрганишларда иштирок этган ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Хоразм вилояти кенгашининг меҳнат техник инспектори Эркинбой Байжанов.

Семинар давомида бу борада эришилган муваффакиятлар, йўл қўйилган камчиликлар ҳам таҳлил қилинди.

Тармоқ республика кенгашининг малақати мутахассислари жамоа шартномаси ижросини таъминлашда аҳамият қаратиш лозим бўлган жиҳатлар, меҳнати муҳофазаси, хужжатларни юритиш тартиблари, аёллар ва ёшлар учун белгиланган имтиёзларнинг кафолатлашини юзасидан тегисли тавсия ва тушунтиришлар бердилар.

Мұҳабbat ТЎРАБОЕВА,  
«ISHONCH»







# Хатларда ҳаёт акси

Ҳар бир инсоннинг ўзига яраша ўй-хәёллари, куенч-ташвишлари бор. У дилидаги кечинмаларни гоҳида ким биландир баҳам кўргиси келади. Гоҳида кимдандир яшилик кўриб қувонади ёки ён-атрофида рўй берәтган баъзи ноҳақликлардан кўнгли оғринади. Шундай пайтларда ўзига ҳамдард сұхбатдош излаб қолади. Унга бор дардини тўкиб солиб, ўзини қийнаётган ғам-ташвишлардан холи бўлгиси келади. Ёки кимгадир айтмоқчи бўлган гапини ўзгалар орқали унга етказишига уринади. Бунга таҳририятимизга келаётган хатлар мисолида ҳам ишон ҳосил қиласиз. Уларни ўқиб, муаллифларнинг ички кечинмаларини тушунасиз, айни чоғда, бизга бўлган ишончини ҳам ҳис этасиз. Пировардида, сиз ҳам «Ishonch»ни ўзингизга яқин тутуб ва унга ишониб, кўнглингизда борини қоғозга туширишига ошиқасиз...



## Танқидга холис муносадат қани?

Ассалому алайкум, ҳурматли таҳририят! Мен «Ishonch» газетаси мухлисиман. Унинг ҳар бир сонини интиқ бўлиб кутаман, саҳифаларида чон этилаётган мақолаларни котта қизиши билан ўқиёнам.

Газета саҳифаларидаги танқидий-таҳлилий мақолаларда ҳаётдаги муаммолар соддат-ўнда қилиб баён этилаётгани, мутасадилор олдига аниқ саволлар кўйлаётгани диккатга саводорид. Масалага шу жиҳатдан қарагандо, «Жавобини кутаётган саволлар» саҳифаси ҳам менга жуда манзур бўлмоқда.

«Қарс иккى кўлдан чиқади», деганларидек, тегизили шаҳилотларининг газетада кўтарилган муаммоларниң аксарияти қандай ҳал этилаётгани ҳақидаги жавоблари бериб борилаётгани ҳам эътирофга лойиқ. Лекин батъи бир мутасадилор бу борода лоқаидлик қилишиётгани, лоқал жавоб берини ҳам ўзларига эп кўришимаётгани ёки аксинча иш түтиб, қандай бўлмасин, ўларини оқлашга ҳаракат қилишиётгани ҳам бор гап.

Ҳолбуки, танқидга нисбатан холисона муносадат ўйқ жойда ривожланиши ҳам бўлмайди. Аслини оланган, мутасадиди шаҳилот ва идоралар раҳбарлари ўзлари бошқарётган соҳада ўйл кўйлаётгани хато-камчиликларни бартараф этиши, ноҳақликларга чек қўйиш учун ҳам жавобгар ҳисобланадилар.

Ағусуки, утарнинг айримлари мана шу одий ҳақиқатни теран тушуниб етмаётганига ёки одамларни ҳаётдан раззи қилиш учун эл дарди билан яшиш лозимлигини унумтиб ўйнишаштаганга ўхшайди.

Абдуҳамид ТЎХТАРОВ

Самарқанд вилояти,  
Қўшработ тумани

## Оғир дамларда коримиизга яраганларга раҳмат!

Ассалому алайкум, ҳурматли «Ishonch» газетаси жамоаси!

Мен бошимдан ўтган бир воқеа сабаб сизларга ҳам ёзишига аҳд қилдим.

Турмуши ўртоғим Фахриддин Эргашев Буҳоро вилояти «Аму-Буҳоро» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетики бошқармасида ишлар эди. Бундан беш ўйл бурун юқори кучланишили ток үршии оқибатида отир танжароҳати олди. Ўмров суюзи синди, кўллари кўйиб, ҳеч нарсани ушломайдиган ахволга тушшиб қолди. Оз эмас-кўй эмас, ропта-роса етти ой тўшакка михланиб ётди. У кишини ҳаётнига қайтармадан деб, мен ҳам ярим соглиғимдан айрилдим.

Устига-устак, зарар тўловларини амалга ошириши берувчи томонидан узоқ вақт пайсалга солинди. Ўр ўлодоми сөхёқ турб кетиши учун зарур маблагни ундишири максадидан маъсул ташкилотларга шир қатнадим. Фойдаси бўлмагач, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Буҳоро вилояти кенгаши коримиизга яради.

Эҳтимол, сиз «Ююшма ходимлари зиммалидаги вазифани бахарисиган, бунинг учун уларга алоҳида миннатдорлик билдириши шарт эмас», десиз. Мен эса бошқа бир аниқ ҳақиқатни эслатиб ўтмоқчиман. Агар тегизили идоралар масъуллари ҳам ўз ишларига сидқидилдан ёндашганиларида эди, ойлаб-йиллаб эшикма-эшик юриб, турли идоралар остоносида сарғаймас эдим. Шунинг учун ҳам касбига садоқатли касаба уюшмалари ходимлари олдига таъзим қиласан. Ўз навбатида, бу воқеа бошқаларга ҳам ибрат бўлиши учун мактубимни газетада чон этишингишини сўрайман.

Буҳоро вилояти

Содир бўлган ноуши ҳолат тифаили эримининг соғлиғига жиддий зарар етганда, у ишлаган жамоа раҳбарлари ёрдам берини ўрнига ўзларини оқлашса, қазо-қазо ташнишларини ўртага кўйиб, тўшакда ётган беморга руҳий босим ўтказишига уринишиган бўлди.

Хайриятки, ана шундай отир бир вазијатда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Буҳоро вилояти кенгаши коримиизга яради.

Эҳтимол, сиз «Ююшма ходимлари зиммалидаги вазифани бахарисиган, бунинг учун уларга алоҳида миннатдорлик билдириши шарт эмас», десиз. Мен эса бошқа бир аниқ ҳақиқатни эслатиб ўтмоқчиман. Агар тегизили идоралар масъуллари ҳам ўз ишларига сидқидилдан ёндашганиларида эди, ойлаб-йиллаб эшикма-эшик юриб, турли идоралар остоносида сарғаймас эдим. Шунинг учун ҳам касбига садоқатли касаба уюшмалари ходимлари олдига таъзим қиласан. Ўз навбатида, бу воқеа бошқаларга ҳам ибрат бўлиши учун мактубимни газетада чон этишингишини сўрайман.

Зуҳро ДАВЛАТОВА  
Буҳоро вилояти

Анна ҲАСАНОВА  
Буҳоро вилояти

Миннатдорлик



**Азим Суюн...** Бу номни эшитган борки, қалб дарёдай тошқин, қадди тоғдек мағрур улуг бир инсонни кўз ўнгига келтиради. Бу инсон, гарчи бугун орамизда йўқ эса-да, ҳалқинг дард-ташвишлари жо бўлган шеърлари билан хотирамизда яшаб келмоқда.

**A**зим Суюн, унинг болалиги ўтган гўша ва ижоди ҳақида талаб изодкорлар ёзишган. Улар орасида эл сўйган шоирлару эндигина кўлига қалам олган ёшлар ҳам бисёр. Масалага шу жиҳатдан қарангда, ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, «Жаҳон аҳабиёти» журнали. Боз мухаррири Ахмаджон Мелибоевнинг яқиндагина «тандирдан узилган» «Шеърлари ўзига ўхшаган шоир» («Jod Nashr» нашриёти, 2022 йил) китоби бу борадаги яна бир хайрли иш бўйди. Уни мутола қилиш жараённида гоҳ ҳаяконланасиз, гоҳ қуласиз, бъазан юрганинг ҳапқириб кетади. Шоир ҳаётининг сўнгги дамлари акс этган сатрларни ўқиётгандан эса қўзингиздан ёш сизганини сезмай қолосасиз. Энг муҳими, бу ҳаётда шундай шоир яшаб, ўзидан бебоҳа мерос қолдириб кетганини, асрлари миллионлаб одамлар қалбидан жой олганини англаб етасиз. У ёқсан шеърият машҳаласи ўсиб келаётган ёш авлод ҳайропрофесияни ўйлаб, таскин топасиз.

Азим Суюн тоф боласи эди, ўзи ҳам тоф каби викор тўкиб ва ҳар қандай синовларга дош берди яшади. Китобда унинг болалиги тогу тошларда ўт-

# Эл фарзанди

Неки бир сўз изладим – Навоийдан топдим.  
Азим Суюн

гани ҳақида шундай жумлаларни ўқиётисиз:

«Азим чиндан ҳам тоф боласи эди. Факат Накрут тоғларини эмас, бошқа тоғларни, ўққи-ю дараларни, горларни, қисик сўқмоқларни, айик, бўри ёки тоф энклилари юрадиеган суръончук ўйларни, қаерда қандай гиёҳ ўсишини, қаочон туғлаши ёки мева туғшишини, ёввойи ҳайвонлар қандай яшашини, какликлар, ёввойи кантарлар қаерда сув ичишини, сунур қаочон болалашини, ов мавсумларини яхши биларди».

Шоир сўз масъулиятини теран ҳис этар, ижодида ҳам бунга алоҳида ётибор қаратарди. Шунданими, унинг шеърлари адабиёт муҳисллари дилидан мустаҳкам ўрин оларди. У ҳақни, она Ватанни, ҳалқни, унинг дилидагини ҳайропрофесияни ўйларди. Битиклари ҳам ҳалқона эди. Шоир сўз масъулияти ҳақида шундай ҳайрима битганди:

**Эй дўст!**

**Бир назардан эр тузалар,**  
**Шаррос тинар – сел тузалар.**

**Битта ҳикмат менга аён:**

**Сўз тузалса – эл тузалар.**

Буюк қалб соҳиби бўйган шоир болалиги ўтган гўша ҳақида кўп ёзди, тўлқинланиб ёзди, ўйинқарок болалиги ўтган жойга бир умр талпиниб яшади. Мунаққид бир сафар унга ҳамроҳ бўлганида рўй берган воқеани қўйидагина баён этиди:

«Қўйинглар, ҳавас қилинлар, – деба ҳайқурди у, – Мана шу тоғлар бағрида ўғсанман. Шу тоғларда боғларимнинг изи бор, отамнинг нафаси, онамнинг аллалари қолган. Ҳўя тепаликдаги булоқдан сув симуриб каттато бўлганинан. Ҳарсантошларни қаранг, рандор чўққуларни қаранг, осмонга қаранг – бунақасини бошқа ҳеч хойда тоғиб бўйсиз, кўриб бўйсиз. Яна озроқ юрсак, Накрутга етамиз. Жоним Накрутга. Тошкентда юриб ташна бўлиб кетаман-да. Сизлар билмайсизлар. Шу ерда одамлар яшайди, тош ўчқода таом тайёрлайди, сув ташшиди, дөворга татпи ёлади. Ер кўп, сув танқис, жиглалар пастдан оқиб ўтади. «Эҳ» деб-

ман-да...» Шу жойда Азимнинг кўзларидага ёш кўрганман. Юраги титраб турган шоирнинг кўз ёшилари...»

Китобдан шоирнинг нозик хис-туйгулари, қалб изтироблари, орзу-умидлари, дард-армонлари мужас-самлашган «Қирқ қайрим»си, шеърлари, хикматлари, қатралари, ҳазиллари, ижодкорларинг у хаддаги эътирофлари ҳам ўрин олган. Мен унни ўқиб бўлгач, Азим Суюн вафотидан тўққиз ой муқаддам – ўн тўққизини ионда бўлган бир воқеани эсладим. Уша куни шоир менга телефон қилиб, бир қайрима битганини мэълум килди. Сўнгра уни ёзиб олишимни сўради:

**Эй дўст!**

**Шукур, нолимайман жон толеимдан,**  
**Тақдир олиб келди бир муюлишига!**

Кутилмаганда шоирнинг овози қалтираб кетди. Гўшакдан чукур-чукур нафас олаётгани эшилтиди. Қисқа сукутдан сўнг навбатдаги сатрларни ўқиди:

**Ва лекин ҳамои бир толиби илмман,**  
**Умрим етармикин шоир бўлишига!**

Бир оз жим тургач, «Нима дейсан?» деди. Шундай улуғ, шеърлари эл дилидан аллақачон ўрин олиб, тиљдан-тильга кўчиб юрган шоирнинг бу сатрларни битганига қойил қолдим.

– Сиз, сиз... – Гапимнинг давомини айта олмадим.

– Шуни билиб қўйки, бу дунёда ҳаммамиз толиби иммиз, – деди у.

Эҳтимол, ўшанда таваллуд кунини нишонлашга саноқли кунлар қолган шоирнинг кўнглидан кўп ўлар ўтгандир. У ўзини, ўзлигини тафтиш қилгандир, умри сув каби оқкан эса-да, ҳамон ўрганишда бўлиб, ёзилажак асарларини режалаштиргандир.

Мен ҳар сафар шу ҳақда ўйласам, шоирнинг кувонч ва армонларини англаб етгандай бўламан...

Салим АБДУРАХМОН



## Бухоро вилояти

### Тошкент шаҳри

Яккасарой тумани ободонлаштириш бошқармасида Ҳалқаро хотин-қизлар куни муносабати билан «Аёлга ўхтиром!» лойиҳаси доирасида тадбир ташкил этилди.



Таъкидлаш жоизки, бу лойиҳа Республика Маънавияти ва маърифат маркази «Маърифат» тарғиботчилари жамияти томонидан аёлларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, уларнинг жамиятидаги фаолигини ошириш, турли соҳаларда ишлаётган мунис опа-сингилиларимизни қадрлаш, меҳнатларини эътироф этиш мақсадида Хотин-қизлар байрами муносабати билан ўтказилмоқда. Масаланинг ушбу жиҳатларига алоҳида ётибор қаратиплан тадбир доирасида ободонлаштириш ишлари қизғин тус олган худудларга борилиб, аёллар билан дилдан сувхатлар ўширилияти.

– Аёл – жамият гултужи, миллат тарбияси. У баҳти бўлса, жамият ҳам баҳти ҳисобланади. Хотин-қизларини ўзозлаган ва қадрлаган юртнинг эса бугуни ва эртаги куни янада порлоқ бўлади, – дейди Маънавияти ва маърифат маркази фаоли, фалсафа фанлари доктори Жамила Шермуҳаммадова. – Мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва манбаатларини таъминлаш, жамиятдаги нут-

фузи ва қадрни ошириш мақсадида муҳим аҳамиятга молик талай ишлар амалга оширилияти. Келаганини ўйлаган тинчлик-хотиржамлики истаган халқ, миллат давомчиларининг кўнгли тўк, ҳаётни гўзлди бўлиши учун ҳаракат қиласи, уларга фаровон турмуш кечиришлари учун зарур барча шарт-шароитларни яратиб беради.

– Ҳар куни саҳарлаб ишга келаман, офтоб чиқмасиданоқ ўз вазифамни бажарига киришаман, – дейди бошқарма ходимаси Барно Маматова. – Чунки ўз

касбимни севаман. Энг муҳими, шахризис ободлигига ва саронжом-сариштаглигига баҳоли қудрат ҳисса кўшаётгандан беҳад мамнунман.

Тадбир нюхоясида туман ободонлаштириш бошқармасида фаoliyati ўтигандан 200 нафар хотин-қизига «Маърифат» тарғиботчилари жамияти томонидан байрам совғалари топширилди.

Комила БОЙИМУРОДОВА,  
«ISHONCH»

## Хоразм вилояти

### Давра сұҳбати

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши хотин-қизлар комиссияси «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси: аёл қадрни улуғлашда ўзига хос такомилашув ва кенг имкониятлар» мавзусида давра сұҳбати, тренинг ва маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.



Унда касаба уюшмалари бўлган хотин-қизлар, «Аёллар дафтари» ижросини таъминлашади жонбозлик кўрсатади аёлларнинг ўтиришлари иштироф этиди.

Тадбирни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши раиси Равшан Бедиловна ошина

Дилбар БЕДИЛОВАНИнг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Давлат мусасасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши жамоат тармоқ касаба уюшмасининг Зомин тумани кенгаши раиси Родибай Хайдуллаевага ўтили Нуриндо ТОҒАЕВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Янгийўла шаҳар Ер тушиш ва кўчмас мулк

кадстри томонидан: Даъутов Плат Абдираслу-

вич номига ўтилди. МЖК-2 кўчнада борч-

поси 2-хонадонда ўтилди. «Иш даволаш-

биноси» учун берилган TV №-002991-реками

кадстри гувоҳномаси йўқолгани сабаби бекор

килинди.

Дилдора ИБРОХИМОВА,  
«ISHONCH»

«Эълон»

Янгийўла шаҳар Ер тушиш ва кўчмас мулк

кадстри томонидан: Даъутов Плат Абдираслу-

вич номига ўтилди. МЖК-2 кўчнада борч-

поси 2-хонадонда ўтилди. «Иш даволаш-

биноси» учун берилган TV №-002991-реками

кадстри гувоҳномаси йўқолгани сабаби бекор

килинди.

Дилбар БЕДИЛОВАНИнг

вафоти муносабати билан ҳамдард-

лик билдиради.

Давлат мусасасалари ва жамоат

хизмати ходимлари касаба уюш-

маси Жиззах вилояти кенгаши жамоат

тармоқ касаба уюшмасининг

Зомин тумани кенгаши раиси Ро-

дийбай Хайдуллаевага ўтили

Нуриндо ТОҒАЕВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдар-

дик билдиради.

Давлат мусасасалари ва жамоат

хизмати ходимлари касаба уюш-

маси Жиззах вилояти кенгаши жамоат

тармоқ касаба уюшмасининг

Зомин тумани кенгаши раиси Ро-

дийбай Хайдуллаевага ўтили